

КИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси
Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 13 июль
ШАНБА
№ 134 (5177)
БАҲОСИ 8 ТИЙИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

ИККИ ТАДБИРКОР, БИР-БИРИГА МАДАДКОР

Пахтачиликда фан ютуқлари, техника янгиликлари, ил-
горлар тажрибасини қўллагандан туриб мўл ва эрланги
ҳосил етиштириш бўлмади. Бу соҳада Шоймардон Сама-
дов бошлиқ бригада жамоа аҳли катта тажриба ор-
тиришган. У раҳбарлик қилаётган бригада пахтакорлари ҳар
йили эрта баҳорда чўл шароитига мос «Қарши-8» на-
влин чигит қўлаб, пахтадан баракали ҳосил қўтариш-
япти. Шу сабабли бригада пахтакорлари моддий жиҳатдан
кўпроқ манфаатдор бўлмоқдалар. Бозор шароитида етти
ўлчаб бир кесмаган, ҳисобни аниқ билмаган, мўлжални
тўғри олмаган бригадир қўзлаган пировад натижаларга
эриша олмади. Меҳнат унвондорлигини ошириш, ор-
тиқча сарф-харажатларини қайтариш, ёнлиги ва мойлаш
материалларини тежаш ишчилар манфаатдорлигини оши-
ришга имкон беради. Ўринсиз харажатлар қўпайса, пул
маблағларидан самарасиз фойдаланилса, маҳсулот тан-
нархи қимматлашади, бригадада меҳнат қилаётган иш-
чиларнинг ойлик маошлари қаматди.

Ҳар йили пахтадан баракали ҳосил олиб келаётган
Шоймардон Самадов бошлиқ жамоа аҳли жорий йилда
гектар ҳосилдорлигини 35 центнерга етказишга бел
болаган. Пахта қабул қилиш пунктларига режалаштирилган
230 тонна ўрнига 270 тонна аёло нав пахта топшириш-
моқчи. Шу кунларда пахтакорлар гўза парварчилигини
кучайтираётдилар. Нихол қатор орасига ишлов бериш,
озиқлантириш, сугориш агротехника қондаларига муво-
фиқ ўтказилмоқда. Сифатли озиқлантирилган, ўз вақти-
да олиб-қўйиладиган гўзаларда ҳосил нишонлари
қўпаймоқда. Ҳозир шода-шода қўсақлар кўзга ташланиб
қолди. Гўза парварчилида Шерали Жумаев, Эргаш Ис-
маилов сингари тажрибали механизаторлар жонбозлик
кўрсатишяпти. Уларнинг ғайрати билан ҳар кун 12-13
гектар ердаги гўза қатор орасига ишлов бериляпти. Мо-
ҳир механизаторлар култивация билан бир вақтда гўза
қатор оралигига эгат очиб, сувчилар ишини енгиллаш-
тирмоқдалар. Тўғри ва чуқур олинган эгаларга мириш-
кор сувчилар олиб-қўйиладиган. Ҳозиргача бригадада
қарашли гўза майдонларига тўрт марта ишлов берилди.

Рўзи Жабборов, Рустам Тўхтакулов каби миришкорлар
ниҳолларини кечки салқинда сугормоқдалар. Тунда қо-
ниб сув ичган гўзалар бўлиб бўлиб, ҳосилга ҳосил қўша-
ди, қўсақлари тез етилиб, ҳосил эрта пишди. Пахта
эртанги бўлса, йиғим-терим муддати қисқаради, дав-
латга топшириладиган ҳосил сифати юқори бўлади.

Бригада ишчилари 2,5 гектар ерга помидор, 5 гектар
ерга лавлаги экиб парваршламоқдалар. Озиқ-овқат
дастурни бунгиларини рўйга чиқаришга ҳисса қўшиб,
бригадада меҳнат қилаётганларга етиштирилган ёз не-
матларидан бир қисmini бепул бериш Шоймардон Са-
мадовнинг диққат марказида турибди. Тайёрлов идорасига
200 центнер помидор, 100 центнер ош лавлагига етказиб
берилади. Қолган ҳосил савдо дўконлари орқали аҳолига
сотилади.

Комил Ибрагимов бошлиқ жамоа Шоймардон Сама-
дов етакчилигидаги бригада пахтакорлари билан ўзаро
мусобақалашиб ишламоқдалар. Улар бир-бирлари билан
тажриба алмашадилар. Гўза парварчилида қўлга кири-
тилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ўзаро
фикрлашадилар. Камчиликларни бартараф этиш чорала-
рини излайдилар. Бу пахта ҳосилдорлигини ошириш,
маҳсулот сифатини яхшилашга имкон бермоқда.

43 гектар майдондаги ниҳоллар қийос гулламоқда.
Гуллар қўсақлар пайдо қилмоқда. Мавжуд майдонлар-
нинг гектаридан 36 центнердан қимматроқ хом ашё —
ипак пахта етиштирилади. Пахта ҳосилдорлигини оши-
ришда сифатли култивация яхши самара беради. Шунинг
этибига олинган механизатор Боймурод Фармонов гўза
парварчилини кучайтирапти. У кунига 5—6 гектар ер-
даги гўзани ишловдан чиқариб озиқлантирилади. Сифа-
тли ишловдан чиқарилган гўзалар сарваж ривожлани-
япти. Ҳозир бригада гўзаларининг ҳар түпида 7—8 та-
гача ҳосил нишонлари бор.

Жамоа аҳли бу йил 43 гектар майдонда гўза пар-
варшламоқда. Гектардан 36 центнердан ипак пахта етиш-
тириш режалаштирилган. Мўл ҳосилни қўзлаган бригада
пахтакорлари шу кеча-кундузда асосий эътиборини гўза
парварчилига қаратишмоқда. Саратон сувига мириштири-
лган ниҳоллар дуркун. 2 гектардан кўпроқ ерда эса по-
мидор етиштирилмоқда. Ҳосилни бригада ишчиларига бепул
берилади. Эҳтиётдан ортиқча сарваж идорасига соти-
лади. Помидордан 42 тонна ҳосил олишга сўз берган
Аҳмад Абдуллаев бошлиқ бригада жамоаси ҳосилни
йиғиб-териб олишни бошлаб юрди.

Пахта ва сабзавот экинларидан мўл ва сифатли ҳосил
олиш учун курашадиган Ўзбекистоннинг «Ўзбекистон
комсомол» 50 йиллиги давлат хўжалигининг 1-апро-
участкида дава ишлари тақдиркорлик билан олиб
борилаяпти. Шу боис гўза қўсақлари дуркун, сабзавот
экинларининг эса ҳосили баракалидир.

Ж. ЮСУПОВ.

Дўстлар маслаҳати — ол-
тиндан қиммат, дейишди.
Дарҳақиқат, ўзаро меҳнат
беллашуви жонли ва ошқора
йўлга қўйилган тақдирда у
юксак самара беради. Чор-
тоқ районидagi «Хурмат
белгиси» орденли «Октябрь»
жамоа хўжалиги аъзолари
кўн йиллардан бери Бойдоқ
районидagi «Ленинград»
жамоа хўжалиги деҳқонлари
билан яқиндан бори-кели-
ди, бир-бирларига тажри-
ба ва маслаҳатларини ўр-
таб турадилар. Бу ҳар икка-
ла хўжаликда ҳам ютуқлар-
ни кўпайтириш омили бўла-
тир. Ўзаро мусобақадорлар
яқинда яна учрашдилар.
Фарғоналиклар наманган-
лик пахтакорлар ҳузурда
бўлишиб, ҳамкасбларининг
ишлари билан чуқурроқ та-
нишдилар.

СУРАТДА: «Октябрь» жа-
моа хўжалиги бошқаруви-
нинг раиси. Юсулжон Араб-
боев, шу хўжаликнинг брига-
да бошлиғи Тоҳир Алихонов
ва «Ленинград» жамоа хў-
жалиги бошқарувининг ра-
иси, СССР халқ депутати
Маматғозин Шерғозиев гўза-
ларининг ривожини кўздан
кечирмоқдалар.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.



- САРАТОН ТАФТИДАН, ИНСОН МЕҲРИДАН ЯШНАГАН БОҒЛАР, ДАЛАЛАР
- БИР ХЎЖАЛИКДА ҚАРИЙБ ЎТТИЗТА
КИЧИК КОРХОНА
- ЗАМИН ҚАДРИГА ЕТМАГАН БАРАКА ТОПМАЙДИ
- БОБОДЕҲҚОН САХОВАТИДАН БАРЧА БАҲРАМАНД

СЕРҲОСИЛ НАВ СИНОВДА

Избоскан районидagi Ленин номи
жамоа хўжалиги Турсунбой Тўхтабоев
бошлиқ бригада пахтакорлари жорий
йилда 64 гектар майдонга С-65-24 на-
влин пахта уруғи экидилар. Айни кунларда
бир текис гуллаётган гўзаларни пар-
варшлаш қизғин бормоқда. Экин оби-
тида сугорилиб, гўза қатор оралигига
ишлов берилиб, озиқлантириляпти.

Икки йилдирки, бригада пудрат асо-
сида ишлаяпти. Утган йил ҳам 60х15
схемада «Қирғиз-3» навлн пахта етиш-
тирилиб, мўл ҳосил олинган эди. Лекин
унинг толаси озлиги туфайли бу йил
ўша схемада истиқболли С-65-24 пахта
уруғи экилди. Баҳорнинг серёғин бўли-
ши чигит экинни кечиктирган эди. Чиг-
ит суви вақтида берилган эвазига гў-
заларнинг гуллаши ўтган йилгидан бир-
мунча аввал бошланди.

— Ёзинг сержуёш кунлари биз учун
зарбдор палла ҳисобланади, — дейди
жамоа хўжалиги агрономи Сувоқул
Усarov. — Ҳар дақиқадан унумли фой-
даланишга ҳаракат қиламиз. Гўза қа-

тор оралигига агротехник қондалар асо-
сида ишлов бериш, пайкалларни бегона
ўтлардан тозалаш, ниҳолларни зарур
озуқа билан озиқлантириш ва оби-тоби-
да сугориб боришга эътибор қиламиз.

Бригада илорларидан Кароматхон
Холматов, Фаридхон Эргашев, Сай-
лихон Холмуродов, Мухаррамхон Те-
шобоевалар, сувчилардан Қаримжон Тў-
рабоев, Абдуғани Алижонов, Иброҳим-
жон Темиров ҳамда механизаторлардан
Пахлавон Маматжонев, Худойберди Си-
диқовлар ишда пешқадамлар. Гўзалар
барваж ўсмоқда. Гулгига гул қўшилмоқ-
да.

Бригада аҳли бу йил давлатга 192
тонна қимматбаҳо хом ашё топшир-
моқчи. 35 гектар ердаги ҳосил эса асо-
сан машиналар ёрдамида териб олина-
ди. Шунинг учун ҳам гўзаларни бегона
ўтлардан тозалаш, бир текис, машинаб
қилиб ўстиришга алоҳида эътибор бери-
ляпти.

М. ТҶУХТАНАЗАРОВ,
жамоатчи мухбир.

ПИШИҚЧИЛИК

Пахтачи райони боғбон соҳибкорлари жорий йилда эл-
юрт дастурхонига 2 минг 40 тонна турли хил мева, 3
минг 250 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб беришга
аҳд қилганлар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиб учун
юз берган табият инжиқликларини фидокорона меҳнат бил-
ан енгимокдалар.

Шу туфайли боғзор кенг пайкалларда мўл ҳосил пи-
шиб етиляпти. Меҳнат аҳли айни пайтда ширин-шакар
мева-чева ҳамда сабзавот ва полиз неъматларини тайёр-
лов идораларига топшираётдилар. Ҳозиргача 335 тонна
мева, 244 тонна сабзавот эл дастурхонига тортиқ этилди.
Шу жумладан, Челябинск шаҳри ва Шимолий Қозоғис-
тон аҳолисига 160 тонна олма, 80 тонна саримсоқ чиёз
жўнатилади.

Район миришкорлари давлатга ва қардошлар дастур-
хонига пишиб етилган турли хил ноз-неъматлар тортиқ
этишни уюшқоқлик билан давом эттиришляпти.

В. ШАМСИЕВ.

«Қишлоқ ҳақиқати»га жавоб берадилар

«СОҲИБКОР, ТОКЗОР НЕГА ХОР?»

Рўзноманиннинг шу йил 41-сонда эълон қилинган
мазкур таъкидй мақолага Самарқанд вилоят «Булун-
гур» деҳқончилик-саноат комбинати бош директори ўри-
босари С. АШУРОВДАН жавоб олдик.

Мақола комбинат умумий йилгилида атрофлича муҳо-
ка қилинди, — дейилади жавобда. — Ундаги барча далил-
лар тасдиқланди.

Ҳақиқатдан ҳам «Интернационал» давлат хўжалиги
соҳибкорлари сўнгги йилларда узум етиштириш ре-
жаларини бажара олишмапти. Бунинг асосий сабаби
мавжуд токзорларга вақтида агротехник ишлов бери-
лмаганили ҳамда қўлаб майдонлардаги токзорларни до-
вечак босиб кетганлигидир. Хусусан, «Қишлоқ ҳақиқа-
ти» рўзномаси саҳифасида чоп этилган «Соҳибкор», то-
кзор нега хор?» сарлавхали таъкидй мақолада хўжа-
лиқнинг айрим бригадаларида токлар қўйилмай қўлиб
кетганили ҳам текшириш чоғида ўш фидосини топти.
Ҳақиқатдан ҳам ток майдони эскирганлиги ва ҳосилдор-
лиги кескин қамайганили учун 70 гектар токзор бузи-
лиши муносабати билан қўйилмай қолган.

Таъкидй мақолада кўрсатилган жиддий камчиликлар-
га йўл қўйилганлиги учун «Интернационал» давлат хў-
жалиги директори ўртоқ А. СОЙПОВГА «Булунгур»
деҳқончилик-саноат комбинати кенгашининг қарорига
биноан қаттиқ ҳафсана эълон қилинди. Хўжалик бош
агрономи Р. УСМОНОВ вазифасидан четлаштирилди.
Камчиликларга йўл қўйган бўлиш ва бригада бошлиқла-
ри фаолияти хўжалиқнинг кенгайтирилган йилгилида
атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар
белгиланди.

Жорий йилда «Интернационал» ҳамда районимиздаги
бошқа давлат хўжаликларда бундай камчиликлар так-
ворлашмаслиги учун «Булунгур» деҳқончилик-саноат ком-
бинати бош мутахассисларидан иборат комиссия тузилди.

РОССИЯ СЪЕЗДИ ТЕВАРАГИДА

Россия парламенти ра-
исининг бўшаб қолган лавозим-
ига олти номзод юзасидан
овоз беришнинг дастлабки
давраи кечати кунгача Бо-
рис Ельцин эгаллаб турган
жой кимга насоб бўлиши
тўғрисидаги саволга жавоб
берилади. РостТАСС мухби-
ри 11 июль кун РССФСР
халқ депутатлари съездида-
ги мунозараларда танаффус
бўлган вақтда ким билан
суҳбатлашмасин, деярли бар-
часининг фикри ана шундай
бўлди.

Сухбатдошларнинг кўпчи-
лиги овоз беришда дастлаб-
ки уч ўринни эгаллайдиган-
ларни айтишга тайёрдилар.
Гап Россия Олий Кенгаши
Рансининг биринчи ўринбо-
сари Руслан Хасбулатов, қо-
нунчилик комитетининг ра-
иси Сергей Шахрай ҳамда
халқаро ишлар ва ташқи иқ-
тисодий алоқалар комитети-
нинг раиси Владимир Лу-
кин ҳақида бормоқда.

Нихоят билимдонлигини,
касб маҳоратини афзал қўра-
диган пайт келди, деб ҳисоб-
лайди халқ депутатлари Ар-
хангельск вилоят Кенгаши
раёсатининг аъзоси Николай
Комаров. Шу жиҳатдан қара-
ганда, Хасбулатов билан
Шахрай Россия парламенти-
га раҳбарлик қилиш учун
энг мақбул вариантдир. Пар-
ламент раҳбари лавозимиди
Ельциндан кейин ким бўли-
ши масаласи шу съездда ал-
батта ҳал этилиши керак,
дейди Н. Комаров.

В. ШИШЛИН.

МАКТУБЛАРДА ҲАЁТ НАФАСИ

Ўзбекистон ССР Президенти номига келган хатларни ўқиб

Ўзбекистон ССР Прези-
денти И. А. Каримов номига
ҳар кун йўл хат ва теле-
граммалар келипти. Улар-
ни ишчилар ва деҳқонлар,
экилар, партия, совет ва
комсомол ходимлари, пар-
тия, уруш ва меҳнат қар-
рийлари, баъналималчи-
жангчилар, ногиронлар, ёш-
лар йўллаганлар.

Бу хат ва телеграммалар-
да жумҳуриятимизда юз бе-
раётган чуқур иқтисодий
сисеий ўзгаришлар, ҳал
этилиши лозим бўлган му-
раккаб масала ва муаммо-
лар, бозор иқтисодиётига
ўттиш шароитида айниқса

аҳолининг кам таъминлан-
ган табақалари машаққат-
ларини енгиллаштириш бо-
расида олиб борилаётган иш-
лар, белгиланаётган қатъий
чора-тадбирлар худди том-
чида қўйишдек ўз аксини
топган.

Хат ва телеграммаларда,
жумладан, Ўзбекистон Пре-
зидентининг жумҳуриятда
кайта қуриш, демократия
ва ошқоралигининг амалга
оширилиши, халқимиз тур-
муш фаровонлигини яхши-
лаш, одамлар ва ўлкамиз
манфаатини узвий боғлашга,
умуман жамиятимизнинг
моддий ва маънавий негиз-

ларини мустаҳкамлашга
ҳамда иқтисодиётда ва сё-
сатда бошбошдоқликка йўл
қўймасликка қаратилган
куч-ғайратини қизғин маъ-
навий ҳужалиги меҳнат-
нашлари номидан келган
хатда, жумладан, шундай
дейилади:

«Хурматли Ислам Абду-
ганиевич, Сизни жумҳурия-
тимиз халқининг моддий ва
маънавий турмушини яхши-
лаш учун тинмай ғам-
хўрлик қилаётганингиздан,
чиқарётган инсонпарвар
Фармонларингиздан, доимо
халқ орасида бўлиб, улар-
нинг дардини эшитаётганин-

(Давоми 3-бетда).

Абдулла Суҳбатдош:
ТЎРДИЕВ.

Ҳужжатчи

Хазинанинг қалтирини қал-бога шонини бўлмагани эмас, чўмичи эгри кўлга тутириш ҳам нисобдан эмас. Чўмичи попкининг қада-ми етган жойдан барака ке-тади қозонда бўлса ҳам, чўмичга тўлиқ чиқмай қо-лади.

Айниқса ҳозирги етар-мас замонда қозончага ҳалол-лик ва одиллик сув билан ҳаводек зарур. Киши-лар ҳақиқа заррача ҳиёнат қилиш, адолат дастурини поймол эттиш ҳақини норози қилибгина қолмай, жамиятда узаро ишончсизликни ва но-согом муҳитни вужудга кел-тириш турган гап. Истеъмол молларини тақсимлашда мутасадди ҳодимларга нисба-тан талаб ошиб бораётганли-га ҳам шубҳа бар.

Афсуски, шундай мурак-каб вазиятда ҳам, тўғри иш-ламаётган, аҳолининг эҳти-ёларини назар-писанд қил-маётган, тақсимот қондалар-ини қўпол равишда бузаёт-ган мансабдор шахслар йўқ эмас. Бу эътироз Бериуний ноҳияси матлубот жамияти бошқаруви раиси Ҳужаҳмад Болтабоев ва унга даққи бермаётган раҳбарларга та-аллуқлидир.

Шундай қилиб, катта қо-зоннинг узун дастали чўми-чи Ҳужаҳмаднинг қўлида. Кишлар учундир унинг ҳим-мати булоқдек тошча, ки-ларгадир бу бўлқондан қатра ҳам насиб қилмайди. Чўмичи дошқозоннинг эри-хитери ўзиди. Кимни тўғрийдир, ки-ми куйдираётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатишда йўл қўйил-ган адолатсизлик ва суи-стеъмоллар тўғрисида Ҳу-кумат СР ҳалқ депутати Рузноман Раимбоевнинг Бе-руний ноҳияси Советига ё-зган хати анча шов-шувга са-баб бўлди. Нуфузли савдо раҳбарининг мушугини «пишт» дейдиган валломат шу вақтгача топилмаган эди-да.

Нихоят, тўққиз кишидан иборат бўлган комиссия ту-зилди. Аммо район партия комитети иккинчи котиби С. Нурманов томонидан матлу-бот жамиятига юборилган комиссия аъзоларининг йўли тўсилди. Орадан бир ой ўт-ган, райкомнинг биринчи ко-тиби Б. Эшоннов томонидан комиссия шикоятлар асосида текшириш ўтказишга муваф-фақ бўлди.

Текшириш жараёнида халқ депутатининг хатиди,

Мен 1979 йилдан 283 сўм 75 тиын меҳнат ҳақи ҳисо-бидан қарилган нафақаси ола-боладим. Нафақа таъминоти-нинг яхшиланishi муноси-бати билан нафақа 1990 йилнинг октябидан 275 сўм-га оширилди.

Рўзноманнинг 7 сен-тябрь 1990 йил сонидида чоп этилган Ҳукуматнинг ССР Иқтисодий таъминот вазири С. Ҳужаевнинг «Пенсия таъминотида янгиликлар» сарлавҳали мақоласини ўқиб чиқдим. Мақолада агар «Улуғ Ватан уруши йилла-рида ишчи, хизматчи ёки колхозчи сифатида ишлаган бўлса, икки баравар ҳажмида ёзилса», дейилган.

Биздан талаб этилган меҳнат стажига бўйича 1941 йил учун колхозчи, 1943—1944 йиллар учун сотувчи сифатида гувоҳлик ҳужжати топширган эдим. Чўмичи-район архивда колхозчи-ларнинг 1945 йилгача со-тувчиларнинг эса 1947 йил-гача меҳнат стажига сақлан-маган.

Агар уруш йилларидаги меҳнат стажини икки бара-вар ҳажмида ҳисобласан, 47 йилга боради. Мақоладаги

меҳнатқашларнинг шикоят-ларида келтирилган фактлар тасдиқланди. Истеъмол мол-ларини тақсимлашдаги ўзо-симчилик ва ошпа-оғайнинг-чилик, харидорлар ҳақида ҳи-ёнат, қаломанд ва бошқа қу-сурлар фожия қилинди.

Уғрилқ тухумдан бошла-нади, деганларидек, харидор-ларга паян бериш соқол ола-диган импорт тигдан бош-ланиб, енгил автомобилгача бориб етди. Юқорида айтга-нимиздек, бировлар раис отасининг саховатидан баҳ-раманд бўлишса, яна биров-лар ўғай болалар каби ўз-ларига тегишли ҳиссадан ҳам маҳрум бўлмоқдалар.

Матлубот жамиятига қа-рашли 64 та озиқ-овқат ва саноат моллари дўкони, сан-кизта дўкони, 9 та автола-ва ноҳиядаги қишлоқ меҳ-натқашларига хизмат кўра-тайтир. Улар орасида раис-нинг қалдрон кишилари иш-лаётган дўкони бор. Бун-дайларнинг ошғир олич, пи-чоғи мой устида. Айни вақт-

килограмм «95» навли чой, 4096 килограмм биринчи навли қўқ чой, 2257 кило-грамм ҳинд чой билан ил-тифот кўрсатилган бир вақт-да, 11 та магазинга, жумла-дан Бериуний ноҳия сохво-даги Н. Нуримбетов ишлаёт-ган 98-дўконга «95» навл қўқ чой билан ҳинд чой-нинг ҳиди ҳам бориб етма-ди.

Аҳоли эҳтиёжларига ло-қайдлик сигарета ва арақни тақсимлашда янада яққол-роқ намоён бўлмоқда. Тек-ширилган давр ичида 33 та магазин сигарета, 12 та ма-газин арақ олмаганлиги маълум бўлди. Бу маҳсулотлар-ни сотишга рухсат қилин-ган савдо тармоқларини ўз-хуқуқларидан қим маҳрум қилди? Сабаб равшан: «им-тиёзли» дўконлардан ортган қолдиқ ҳисобига кун кўриш осон эмас.

Ҳужжатларни варақла-ганда, 41-магазин мудири Т. Ражапов саккиз кунда 11

ган Қ. Бозорбоева, Б. Ра-ме-товаларга «Йигули» авто-мобил сотиш ҳақидаги ижро-ком қарори қабул қилинди. Лекин 3—4 йил илгари на-вадта турганлар қарорига кирмай қолаверди. Т. Ҳу-ма-боева Қаҳрамон она сифати-да имтиёздан фойдаланган-лиги ҳаммаги таажжубга сол-ди. Негаки, у бу унвога эга эмас, машина сўраб бер-ган аризаси ҳам йўқ.

Қишлоқ хўжалик илғор-ларига енгил автомобиллар ажратишда навабатга риоя қилинмади. В. Қурбонбоева, А. Аминов, Ш. Тожибоева, У. Шеримбетов, М. Абду-лаева ва бошқалар қимлар-нингдир воситасида наваб-тсиз енгил машинали бўли-лар. Шундай савол туғил-ди: шаҳарда яшовчи Ш. Қо-роҳонов, С. Умиров, Э. Собиров, И. Ҳужманов, Э. Эшонновлар қандай йўл би-лан ноҳия ҳисобидан маши-на харид қилишган экан? Хотини Қ. Оллаберганава но-мига навабтсиз олинган ма-

Жойлардан савдо шта-бига, яъни матлубот намяи-ти бошқаруви раисига хилма-хил ахборотлар келиб туриб-ди. Хар ҳолда, хушхабарлар эмас: 45-магазин мудири Тангриберган Ражапов 960 килограмм ҳинд чойини шах-сий омондоронасида яшириб қўйибди. ...Экспедитор Этам Собиров магазин мудири Аҳ-мад Исоқов номига 700 ши-ша арақа фактура ёзиб, арақ ўрнига нақд пул топши-риб кетди. ...Сотувчи Султон Копелов 8 тонна картошкани чиритиб нобуд қилди. ...Со-тувчилардан Эргаш Собиров 8162 сўм, Бекбергон Соби-ров 6 минг 500 сўм қамон-мадга йўл қўйди. Дўкон-чи Ҳурагул Ошимова ўн литр пахта мойини сотган вақтида харидор ҳақидан 2 сўм 20 тиын уриб қолди ва ҳоказо.

Раис бундай воқеаларга қўнқиб қолган. «Майда-чўда» нуқсонларга парво қилмайди. «Тўқай ёнғани би-лан ишим йўқ, ўз набобим пишса бас» қабилида иш ту-тишга ўрганган.

Матлубот жамияти қозони-да нимаким бўлса, унда но-ҳия қишлоқлардаги минг-минглаб аҳолининг ризқ-на-сисиси бор. Нафақат фуқа-ролар, раҳбарларнинг куни ҳам шу қозонга қараган. Чўмич ҳозир ҳам Ҳужаҳмад Болтабоевнинг қўлида. Еган оғиз уялар, дейдилар. ...Эҳ-тимол, ўша катталар ризқ-руз берган азаматга тил те-ғизишни эл кўрмай, уни тал-тайтириб юборгандирлар.

Бизнинг фикримиз бошқа-ча. Ҳеч ким Болтабоевнинг уйдаги қозонга термулган-гани йўқ. Катта қозон жамиятиники, ушуниники. Бол-табоевлар элининг ҳақиқа-ти хилма-хил, омонатни бутун сақлаб, тегишли насоба-ни ўз ағаларига етказиб бе-ришлари лозим. Бу соҳада юлчилик, алдамчилик, кўз қишди — бармоқ бўқди, чў-мич қонди каби нағмалар ўт-майди!

Қозон бошида ҳалол одам-лар туршиш керак. Чўмични Болтабоевнинг қўлида қол-дириб бўлмайди. Бериуний-ликларнинг аксариятидан шундай фикрни эшитдик. Бу фикр биз қўшимиз. Бал-ки Болтабоева пушти-ноқлар, ҳомийлар топилар. Улар ҳам оддий халқнинг яроқли-билан ҳисобланмай ялғизлиги йўқ. Демократик ки-ҳал қилувчи хўжани халқнинг ўзи қўқарди, қўп-чилигини талаби фарз.

З. ВАФОВ.



Тўрақўрғон районидagi «Ширинлик» қўмбинатида иш-чи-хизматқашларнинг маданий турмуш даражаси билдан-йилга яхшиланмоқда. Айниқса у ерда иш бошлаган кутуб-хона ҳаммаша ишчилар билан тавжўм. Бу кутубхонада 2500 дан ортиқ турли мавзудаги қизиқарли китоблар бор. Ҳодимлар ўзларининг ишдан бўш вақтларини кўпроқ ана шу энг масканда ўтказадилар.

СУРАТДА: ишчилар Халимаҳон Дадахонова, Қодир-жон Султонов, Ортиқбой Ҳуриновлар китоб танлашмоқда.

Н. МУХАММАДЖОНОВ олган сурат.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА ДЕКХОН ТАҚВИМИ

Яқинда «Меҳнат» нашриёти томонидан чоп этилган янги китобча «Декхон, бобгон ва чорвадор тақвими» деб атала-ди. Аҳмад Нарзикулов қала-мига мансуб бу китобча бир неча болларга бўлибган. «Аждодлар заковати» сарла-ҳали қисмида тақвимлар яра-тиш тарихига қисқача тўхтаб ўтилади. Сўнгги яилнинг турт фасли, уларга кирадиган ой-лар шерҳланади. Уш икки ойнинг номин ўз тилда (араб-ча, форсча, ўзбекча) бери-лиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлган.

Тақвимда қишлоқ меҳнат-қашлар ҳар ойда қандай юмушлар билан шуғулланиши шерҳлаб берилган. Шунинг-дек, ҳар ойда об-ҳавонинг қандай келишини табиғатдаги белгиларга қараб билиб олиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилган.

С. ОЧИЛОВ.

02 ХАБАР ҚИЛАДИ

РАШК БАЛОСИ

Когон шаҳрида вилоят Кенгашининг депутаты Бо-зор Каримовни отиб ўлди-ришди.

Когон шаҳар прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Саид Шодиев ҲАТАГ мухби-рига қўйдиғиларни гапи-риб берди:

Шаҳар ва район га-лаштириш бошқармасининг бошлиғи, вилоят кенгаши-нинг депутаты Бозор Кари-мов тушун қилиш учун уйига келган эди. Орадан бир оз вақт ўтган, эшик қўн-гирог жингиллади. Кари-мов эшикни очди, унинг қаршисида ўз қўлини ва қўлида ишлайдиган Аҳмад Абдуллаев турарди. Аҳмад Бозор Каримовга ўз маши-насини ҳеч юргиза олмаётгани-ни айтиб, ундан ердан бериш илтимос қилди. Ҳеч нарсдан хабар йўқ депутат қўлига чидади. Аб-дуллаев пайт пайлаб туриб ўз бошлиғи ва қўлинига қарата уч марта ўн узди. Каримов шу заҳотиёқ жон берди.

Уқ отган киши яшири-нишга ҳаракат қилмади. У дарҳол ҳуқуқни муҳофа-за қилиш идорасига йўл олди ва ўз қилини ҳақида гапи-риб берди. Янги вақтда бу ишчи қасддан қилганини иш-ирилади. Абдуллаевнинг сўзларига қараганда, қўш-ниси унинг хотини билан дон олишиб юрибди деб ҳисоб-лаб, қасос олишни анчадан бери ўйлаб юрган экан...

Когон районларо проку-ратураси А. Абдуллаевга қарш Ҳукуматнинг ССР жи-нойат кодексининг 81-модда-сига кўра жиноий иш қўз-ғатди.

И. САФАРОВ, (ҲАТАГ мухбири).

Мухаррир Н. ЕҚУБОВ.

«Ойнаи жаҳон»да

13 ИЮЛЬ, ШАНБА

- 8.00 «Ассалому алайкум».
- 9.00 «Ахборот».
- 9.25 Болалар театри. Й. Хусанов.
- Уш оғ-ани ботирлар. Ўзбек халқ эртаклари асосида.
- 10.25 Спорт кўрсатувлари: 1. «Қуноқ спортлар». 2. «Шоҳ-рух» клуби.
- 11.45 «Алифбо сабақлари». 1. Босқич (такор).
- 12.20 «Айна». Бадий фильм («Туркманфильм»).
- 13.35 «Келажикимиз — мактаб-да». «Уқитувчи-91» танловининг голиби Ақром Сунонов ҳақида.
- 14.05 «Ешлик» студияси кўрсата-ди. «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
- 18.00 «Топпишмоқлар кўни». Муль-фильм.
- 18.15 Ўқирлар учун. «Тенгдош-лар».
- 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.50 «Созмандлар ҳақида хикоя-лар». Ўзбекистон Ленин комсо-мол мукофоти совриндори Шухрат Ўлдошев.
- 20.15 Оқшом эрталаб.
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 «Хотирлар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рус-тем Ҳамроқулов.


бордим. Ижтимоий таъми-нот вазирлигидан икки ва-кил ва вилоят ижтимоий таъминот бўлимининг Рафиқ Самиевлар келишган экан. Ҳузуруларига кирдим.

Рафиқ Самиев чечанлик билан гапирга кетди: «Ҳаза-тага ишонмайман, мен фа-кат махсус имзо билан кел-ган ҳужжатга ишонман» деди.

Ана шу учрашувда Р. Самиевнинг «Бу одам ўқи-ганга ўқшади, у кишига қўлланмадан бир нусха бе-риш, биз тушунмаган жой-ларни тушунтириб берса, ажабмас», деди. Бу гаплар қалбимга ўқдай ботди. Уйга келдим-у, ёстиқча михлан-дим.

Айтинг-чи, бундай масъу-лиятсиз ҳодимлар қачонгача оддий кишилар бағрини қон қилишади?..

Исомиддин ХУДОЙБЕРГАНОВ, Улуғ Ватан уруши ноғи-рони, Ўзғут районидagi «Правда» колхозчи.



Балиқ: Ифлос сувда чўмилма, дард илашади.

М. ЖУРАЕВ чизган расм.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
(«Сельская правда»)
Газета Центрального Комитета
Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском
языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Дехқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

ТЕЛЕФОНЛАР: Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-36.